

Аёлларни уйларидан чиқаётган пайтларида зийнатларини кўрсатишдан ман қилиш ҳақида

«Аёллар учун маҳсус дарслар силсиласи» дарсидан иқтибос

[Ўзбекча – Uzbek – الْأَوْزَبْكِي]



Муҳаммад Шокир Шариф



Таржима: Абдулҳафиз домла

Тахрир: Абу Абдуллоҳ Шоший

منع النساء من إبداء الزينة عند الخروج

مقالة مقتبسة من كتاب شرح الأربعون النسائية

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]



محمد بن شاكر الشريفي

٤٠٩٢

ترجمة : عبد الحفيظ داملا
مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

6- боб. Аёлларни уйларидан чиқаётган пайтларида зийнатларини күрсатишдан ман қилиш ҳақидағи боб

عَنْ فَضَّالَةَ بْنِ عُبَيْدٍ، عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ
 قَالَ: "ثَلَاثَةٌ لَا تَسْأَلُ عَنْهُمْ: رَجُلٌ فَارَقَ الْجَمَاعَةَ وَعَصَى - إِمَامَهُ
 فَمَاتَ عَاصِيًّا، وَأَمَةٌ أَوْ عَبْدٌ آتِيقٌ مِنْ سَيِّدِهِ فَمَاتَ، وَامْرَأَةٌ غَابَ
 عَنْهَا زَوْجُهَا وَقَدْ كَفَاهَا مُؤْنَةُ الدُّنْيَا فَتَرَبَّرَجَتْ بَعْدَهُ فَلَا تَسْأَلُ
 عَنْهُمْ".
عَنْهُمْ».

Хоким «Мустадрак»да Фазола ибн Убайд разияллоху анхудан ривоят қиласылар, Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: **"Уч тоифа одамлар борки, улар ҳақида сўраманг: Жамоатдан ажраган, имомига осий бўлган ва осий бўлиб ўлган киши; Хўжайнинидан қочиб кетган чўри ёки қул ва шу кетганича вафот этган; Эри ундан узоқда бўлган аёл, эри унинг дунёвий эҳтиёжларининг ҳаммасини қондириб қўйганди, у эса эридан кейин зийнатланиб кўчага чиқди. Улар ҳақида сиз сўраманг."**

Адабул муфраддаги ривоятда табаррожатдан кейин тамаррожат деганлар. Тамаррожат — кўчаларда санқиб юрган дегани.

Ибн Ҳиббонинг ривоятида эса **"очик-сочик кўчага чиқди"**нинг ўрнига, **"хиёнат қилди"**дейилган. Биз

күчада санқиб юрган деб таржима қилған "тамарро-жат" сўзи аслида марж деб, маржун, муружун ўтлоқ, яйловга айтилади. Одатда яйловга хайвонларни чўпон-сиз қўйиб юборилади, ўзлари ўтлаб юришади. Бу ерда эридан изнисиз кўчага чиқиб, санқиб юрган аёлни шу нарсага ўхшатилди. **"Табарруж"** деб аёл киши зийна-тини ва гўзалликларини эркакларга кўрсатишига айти-лади. Агар аёл киши юзини ва кўкрак-бўйинларининг чиройини, гўзаллигини очадиган бўлса Араб тилида **تبرجت المرأة** дейилади. Табарружнинг умумий маъноси ҳам борки, бу эркакларни шаҳватини қўзғатдиган ҳар қандай нарсани қилиш ва зийнатни очиш.

Ушбу ҳадис аёл киши эҳтиёжи бўлганда кўчага чиқиши олдидан амал қилиши лозим бўлган қоидаларнинг учинчисини баён қилмоқда. У ҳам бўлса аёл киши кўчага чиқаётган пайтда зийнатларини тўсишлиги, бегоналарга зийнатларини ва гўзаллигини кўрсатмаслигидир. Бу ҳадисдан яна аёл кишининг очиқ-сочиқ кўчага чиқиши қай даражада катта жиноят экани маълум бўляпти. Бу жиноятнинг катталигига ушбу ҳадис икки томонлама далолат қилмоқда:

Биринчиси: Очик-сочиқ кўчага чиққан аёлни Исломда ҳукмлари жуда ҳам қаттиқ бўлган икки тоифа одамлар билан биргаликда зикр қилинди. Улардан биринчиси жамоатдан чиққан, яъни устида халифаси бўлган Ислом жамоатидан ажраган киши бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларки: **"Ким агар жамоатдан бир қарич бўлсада чиқадиган бўлса, у бўйнидан Ислом ҳалқасини, бўйинбоғини ечибди то ўша жамоатга қайтгунича"**, деганлар. Бошқа бир ривоятда эса:

“Ким агар шу жамоатдан ажралиб ўладиган бўлса, жоҳилият ўлимини топади деганлар”. Яъни, байъатсиз кетган бўлади, деганлар.

Иккинчи тоифа қочиб кетган қул эди. Хўжайнинидан қочиб кетган қул. Бунинг гуноҳи ҳам жуда қаттиқ. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларки: **“Қайси бир қул агар хўжайнинидан қочиб кетадиган бўлса, то уларга қайтиб келгунича у кофир бўлади”**, деганлар. Бошқа бир ривоятда эса **“Ундан зимма пок бўлади”**, деганлар. Бу биринчи жиҳатдан бу аёлнинг очиқ-сочиқ кўчага чиқишининг жинояти катта эканлигига далолат қилган бўлса, иккинчи жиҳатдан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам булар ҳақида сўраманг, дедилар. Сўраманг дегани нимани англатади? Сўраманг дегани бу жуда ҳам қаттиқ кўрқитиш. Бунда жуда қаттиқ кўрқитиш бор, таҳдид бор бунда. Улар ҳақида сўрамай қўяверинг. Яъни, биз ундан покмиз. Улар биздан эмас, сиздан эмас, яъни мусулмонлардан эмас, сўрамай қўяверинг дегани, гўёки.

Демак, аёл кишининг очиқ-сочиқ кўчага чиқиши жуда ҳам оғир иш экан. Бу хусусда Куръони Каримда Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ҳам Ер юзи аёлларининг энг афиға ва мукаррамаларига; Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёлларига хитоб қилган, бу хитобда бошқа муслима ва мўмина аёллар Уммаҳотул мўъмининларга тобеътирлар. Аллоҳ таоло уларга дедики: **“وَلَا تَبْرُجْ الْجَاهِيلَةَ الْأُولَى”** “**Аввалги жоҳилият очиқ-сочиқлигига очиқланманглар**”. Яъни, очиқ-сочиқ юрманглар. Бу ердаги "табарруж" сўзи ҳақида муфассирлар бир нечта сўзларни

айтганлар. Бу сўзларнинг ҳаммаси тақрибан бир-бирига яқин маънолардир. Муфассирлардан Мужоҳид айтадилар: “Жоҳилият пайтида аёл киши кўчага чиқиб, эркакларнинг олдида юрар эди. Мана шу жоҳилият очик-сочиқлигидир”. Қатода айтадилар: “Аёлларнинг ўзларига хос бир юришлари бор эди. Унда тақассур ва тағаннуж бор эди, Аллоҳ таоло уларни бундан қайтарди”. Ибн Касир раҳимахуллоҳ тафсирларида Қатоданинг ушбу сўзларини шарҳлаб айтадиларки: Такассур — жилпанглаш дегани, у ёқдан бу ёққа ҳаракат қилиб, елкаларини учириб, яна бошқа жойларини учириб, қимиранлатиб юришга айтилади. Тағаннуж деб эса бутун гўзалликларини изҳор қилиш; чиройли кийимларни кийиш, микяжларни қўйиб, атир упаларни қўйиб, ўзини гўзал қилиб қўрсатиш ва бунга қўшимча ўлароқ шаддодлик, яъни эркаклар билан жасорат билан гаплашади, қаттиқ-қаттиқ сўзлашади. Мана шу нарсадан Аллоҳ таоло қайтарди. Бу Қатоданинг тафсирлари эди. Муқотил айтадиларки: Табарруж — аёл киши бошига рўмолини ташлаб оладида уни ўрамайди, яъни ўнгини чапга, чапини ўнгта қилиб ташламайди. Фақат бошига шундай ташлаб олади. Унинг бўйнидаги шодалари, кулоғидаги сирғалари ва бўйни ҳам тўлалигича қўкраклари билан кўриниб туради. Мана шу ман қилинганд табарруждир.

Демак, табарруж дегани аёл киши эркакларга ўзининг гўзаллигини изҳор қилиши, қўрсатиши экан. Бунинг бир нечта сурати бўлиши мумкин. Масалан, аёл киши ранг-баранг кийимларини ва гул тикилган жойларини эркакларга қўрсатиши. Аёл кишининг бутун жисмини сифатлаб турадиган тор кийимлар ҳам шу жумладандир. Бу ҳижоб бўлсин, ҳижобни остидан

кийиладиган кийимлар бўлсин, шим бўлсин, бошқа бўлсин фарқи йўқ. Аёл кишининг жисмини сифатлаб турган бўлса, уни белинию, кўкрагинию, бошқа жойларининг ҳажмини васфлаб турган бўлса, бу ҳам шу жумладандир. У кийинган бўлгани билан ялонғочдан фарқи йўқдир. Остидаги нарсаларни кўрсатиб турадиган юпқа кийимлар гарчи кенг бўлса ҳам шу жумладандир. Ёки жасадни ўрамайдиган калта кийимлар. Биз бу ерда мини юпқа ҳақида гапирмаяпмиз, яъни гоҳи аёллар мен мастур кийинганман деб калта кийимлар кийиб оладида баданининг баъзи жойлари очилиб туради. Тилла бўлсин, кумуш бўлсин, бошқа нарсалардан бўлсин ясалган тақинчоқларни кўрсатиш ҳам мазкур ман қилинган очиқ-сочиқликка киради. Бу тақинчоқлар қўлда бўлсин, бўйинда бўлсин, қулокда бўлсин, оёқда бўлсин фарқи йўқ. Расууллоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламнинг мана шу хусусда, яъни тақинчоқларни кўрсатиш хусусида жуда ҳам қаттиқ бир ҳадислари ворид бўлган. Асмо бинти Язид ривоят қиласилар, Расууллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам дедилар: **“Қай бир аёл бир шодани тақса. Яъни, бўйнига бир занжир тақадиган бўлса, қиёмат кунида унга ўтдан ўшангага ўхшаган шода тақилади. Яъни, бўйнига ўтдан занжир тақилади. Қай бир аёл қулоғига бир тилла сирғани тақадиган бўлса, қиёмат куни унга ўтдан бўлган сирға тақилади”**. Ибнул Қайим ушбу ҳадисни шарҳлаб туриб дедиларки: — Бу ҳадисни имом Абу Довуд ривоят қилганлар. Бу ҳадис аёл кишини бўйнига тилладан занжир тақиши, қулоғига сирға тақиши мумкинмас дегани эмас. Балки, мана шу зийнатларини ўз маҳрамларидан бошқаларга кўрсатганлиги учун

шундай. Ўз маҳрамларидан бошқаларга кўрсатгандари учун.

Яна шу очик-сочиқликнинг кўринишларидан аёл кишининг ўзи ҳижобга ўраниб олган бўлса ҳам, номақбул ҳаракатлар билан ҳаракатланишидир.

Очиқ-сочиқлик кўринишларидан яна бири аёл киши ҳижоб ўраган бўлади ва эркакаларга араласиб юради, эркаклар билан жуда ҳам bemalol, хотиржам гаплашади. Бу ҳам қайтаришган очик-сочиқлик кўринишларидандир. Очик-сочиқликнинг бундан бошқа кўринишлари ҳам бўлиши мумкин. Бу муайян суратларга, муайян кўринишларга чекланмайди. Балки, ҳар бир замон ва маконнинг ўзига хос очик-сочиқлари бўлиши мумкин.

Масалан, бугунги кунда фейсбокда бўлсин, бошқада бўлсин, аёллар ўзлари кўринмаган ҳолатларида жуда ҳам долзарб мавзуларни кўтаришади. Ўзларини жуда олима қилиб кўрсатишади, эркакларнинг орасига кириб олиб ўзларининг фикрларини билидиршади, бу ҳам ана шу очик-сочиқлик кўринишларидан биридир.

Чунки, аёл кишининг ёзган нарсаси албатта бу ёқда ўқиётган эркак кишига ўзига яраша фитна солади. Унинг сўзамоллигидан, донолигидан ажабланади. Эркакларда аёл кишидан ҳар қандай ажабланиш содир бўладиган бўлса, аёлга нисбатан бу очик-сочиқликка кираверади. Аёл киши ўзининг донолигини ҳам, сўзамоллигини ҳам, гўзаллигини ҳам ўз маҳрамларига, ўз эрига кўрсатиши керак, ўз эрига қилиши керак. Аёллар орасида бўлса майли қилсин, аммо эркаклар

орасига кириб олиб донолик қилиши, сўзамоллик қилиши мумкин эмас. Яна кўринишлардан бири шуки бу аёл аслида кўчага ўраниб чиқадиган аёл, бироқ фейсбокда бўлсин, бошқа бир оммавий интернет тармоқларида ўзининг уйда юрган, тўйлардаги ҳар хил муносабатлардаги очиқ-сочиқ расмларини ёки дугоналари билан тушган расмларини фейсбокга қўйиб қўяди. Бу ҳам яъни қайтарилган кўринишларидандир. Яъни, аёл кишини ўзини кўриш шарт эмас, унинг расмини кўрса ҳам одам фитналанаверади. Гоҳи аёллар ўзларини ақлли деб ҳисобладиларда, ўзини эмас интернетдаги бошқа гўзал бир аёлнинг гўзал суратини қўйиб қўяди. Бу ўзининг суратини ёйинлашдан кам эмас. Чунки, ўзини суратини ёйинласа ҳам гуноҳкор бўларди, бошқа бир очиқ аёлнинг суратини ёйинласа ҳам гуноҳкор бўлади. Бу каби ишлардан муслима опа-сингилларимиз ўзларини сақласинлар.

Биз ҳозиргина айтиб ўтдик, аёл киши ўзини кўрсатмасада ёзувлари билан эркакларни ўзларига жалб қилишлари мумкин. Шу каби нарсадан Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Қуръони Каримда ҳам қайтарган. Аёлларни кўринмай турган халхоллари, яъни оёкларига тақиб оладиган шилдироқли тақинчоқларининг овозларини чиқармасликка буюрган. Чунки, унинг овозини чиқариб, эркакларга эшиттириши ҳам ўша очиқ-сочиқликдан эътибор қилинган. Ҳамма нарсани билиб турувчи ва ҳамма бир нарсадан хабардор бўлган Раббимиз бу ишдан қайтариб деди:

”وَلَا يَضْرِبُنَّ بِأَرْجُلِهِنَّ لِيَعْلَمَ مَا يُخْفِيَنَّ مِنْ زِينَتِهِنَّ“

Нур сураси 31-оятда Аллоҳ таоло дедики: “**Улар оёқларига урмасинлар, яъни яшириб олган зийнатлари билиниши учун оёқларини ерга урмасинлар ёки бир-бирига урмасинлар**”.

Құртубий раҳимаҳуллоҳ айтадиларки: яъни аәл киши юрганда халхолининг овози эшитилиши учун оёғини урмасин. Бу билан у зийнатининг овозини эшиттиromoқчи бўлади. Худди бу зийнатни кўрсатиш билан баробар ёки ундан кўра қаттиқроқдир.

Сўнгра айтдиларки: Ибн Арабий раҳимаҳуллоҳ дедилар: Жоҳилиятда аәл киши шу халхолининг жаранггини бошқа эркаклар эшитиши учун оёғини уради. Яъни, ерга уриб-уриб юради. Қаттиқ-қаттиқ, шаҳдам қадамлар босиб юради ёки бир-бирига уриштиради. Қайси бир аәл бу ишни зийнатидан, тақинчоғидан хурсанд бўлиб қилган бўлса, бу макруҳдир. Гоҳи аёллар хурсандлигидан оёғини шиққилатиб юради, эътибор бермайди эркаклар эшитяптими йўқми деб шундай қилса бу макруҳдир. Аммо буни эркакларга ўзини кўрсатиб, эшиттириб қўйиш учун очиқ-сочиқлик мақсадида қиласидаги бўлса, бу ҳаром ва мазмумдир, дедилар. Ибн Масъуд разияллоҳу анху Набийимиз Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўнта хислатни ёмон кўришларини ривоят қилганлар. Бу асарни Ҳоким «Мустадрак»да ривоят қилганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ёмон кўрадиган нарсалардан бири: ўз ўрнидан бошқа жойга зийнатни кўрсатиш. Ўз ўрни дейилди. Зийнатининг ўрни аәл кишига нисбатан эридир. Эрига зийнатини кўрсатса бўлаверади. Махрамлар ҳам шу

жумладандир. Лекин эрига маҳрамлардан кўра кўпроқ зийнатини кўрсатиши мумкин бўлади.

Аёл кишининг очиқ чиқиши қанча мусибатларга сабаб эканлиги ва бу жуда ҳам ёмон эканлигини билганимиздан кейин, эрларга айтамизки: Эрлар аёлларини очиқ-сочиқ кўчага чиқишдан қайтаришлари лозим. Ибнул Қойим айтадиларки: *ولي الأمر* Аёлнинг устидан масъул бўлган шахс; эр бўлсин, ота бўлсин, aka бўлсин, унга аёлларни зийнатланиб, безаниб кўчага чиқишиларидан ман қилиши лозим бўлади. Кўринишда кийингану лекин ялонғоч бўлган кийимларни кийишдан ҳам ман қилишлари керак. Тор ва юпқа кийимларни кийишдан ман қилишлари керак. Кўчаларда эркаклар билан гаплашишдан, эркаклар улар билан гаплашишдан ҳам ман қилиши керак. Агар аёл кишининг валийси аёлни безаниб, зийнатланиб, кўчага чиқаётганилигини кўриб қолса, унинг кийимини сиёҳ ва шунга ўхшаш нарса билан бузиб қўйиши мумкин. Яъни, унинг гўзал кийимига сиёҳ сепиб юбориши мумкин ва шунга ўхшаган бир ишни қилиши мумкин ёки йиртиб қўйиши мумкин. Бунга баъзи уламолар рухсат берганлар ва рухсат бериб тўғри иш қилганлар. Бу уларнинг молиявий уқубатларининг энг камидир. Агар аёл киши уйидан кўп кўчага чиқадиган бўлиб қолган бўлса, валийюл-амри эри уни уйда ҳабс қилиши мумкин. Хусусан у аёл зийнатланиб, безаниб чиқадиган бўлса.

Аёлларнинг зийнатланиб очиқ-сочиқ кўчага чиқишиларига индамай қўйиш уларнинг қилаётган гуноҳларига ва маъсиятларига ёрдам беришдир. Аллоҳ таоло мана шу валийюл-амр; эрни ёки отани бу

хусусда сўроқ-саволга тутади. Амирул мўъминин Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу аёлларни кўчада эркакларнинг йўлидан юришдан қайтарганлар. Яъни, Умар разияллоҳу анҳунинг даврида йўллар эркакларники, аёлларники эди. Кўчанинг ўртаси эркакларники эди, чети аёлларники эди. Аёл кишини кўчанинг ўртасидан юришдан ман қилинган. Кўчаларда аёлларни эркакларга аралашишдан қайтарганлар. Эркаклар ҳам бу хусусда Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳуга эргашсинлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадис-нинг давомида айтдиларки: "**Эри ундан узоқ бўлган аёл. Бироқ, эри унга дунёвий эҳтиёжларининг ҳаммасини етарли қилиб қўйган эди**". Демак, бу қайд шунга далолат қиляптики, бу аёлнинг ахлоқи қай даражада бузук, у қай даражада адашгандир. Эри унга бутун кифоя қиласиган нарсаларни бериб қўйган бўлсаю, у умуман бехожат бўлган холатда эрининг йўқлигини ҳам эътиборга олмасдан, эрининг обрўсини сақламасдан очик-сочик бўлиб кўчага чиқсан. Бу ҳадис гоҳи аёлларнинг ичларидаги яширин бир бузуқликни очиб бермоқда. Улар шу каби ишларни эҳтиёжлари борлигидан эмас, балки ичларидаги бўлган дофеъ-туртки туфайли қилишади. Яъни, ўзларида мараз ёмон ғараз бор. Бу уларнинг ичи ёмонлигига далолат қиласи. Ҳадисда айтилдики, "эри унга ҳамма эҳтиёжларини қондириб қўйганди". Ҳа, демак, эри эҳтиёжларини қондирмаган бўлса, кўчага чиқса бўлаверар эканда ёки "эри йўғида очик-сочик юриш мумкин эмас" дейилган, эри борида очик-сочик юрса бўлаверар эканда, деган нарсани тушунилмаслиги керак. Эри ҳамма нарсани бермаган бўлса ҳам,

эри бор бўлса ҳам, йўқ бўлса ҳам аёл кишига кўчага чиқаётганда очик-сочик чиқиши мумкин эмас.

Ушбу ҳадис бир нечта фойдалар ва ахкомларга далолат қилмоқда шулардан **биринчиси: Очик-сочик юришнинг ҳаромлиги.**

Иккинчиси: Очик-сочик юрган аёл эрига хиёнаткор аёлдир.

Учинчиси: Ғурурли эркаклар аёлининг очик-сочик кўчага чиқишига рози бўлмайдилар.

Тўртинчиси: Аёл киши эри учун ҳар қанча зийнатланса ва ҳар қанча ўзининг гўзалликларини кўрсатса ҳалолдир.

Бешинчиси: Табарруж деб фақат очик-сочиқликка айтилмас экан, аёл киши ўз гўзаллигини намойиш қилиши, қанақа суратда бўлмасин ва эркакларнинг шаҳватини жунбушга келтирадиган ҳар бир ҳаракат ва ҳолат. Бу муайян нарсага чекланмайди. Биз бу хусусда юқорида батафсил гапириб ўтдик.

Олтинчиси: Эрнинг уйда йўқ бўлиши оилада камчиликнинг рўй беришига сабаб бўлар экан. Шунинг учун эр уйидан узоқ вақт гойиб бўлмаслиги керак, иложи борича ҳожатини ўтаб тезда уйига қайтиши керак.

Еттинчиси: Ҳадисда айтилдики, жамоатдан ажралиш, мусулмонлар жамоатидан ажралиш. Мусулмонларнинг имомлари, халифа ва амирларга яхши ишларда итоат қилишнинг вожиблиги.

Саккизинчиси: Эркак киши аҳли аёлига дунёвий майшатларини, эҳтиёжларини тўла-тўқис иложи бори-ча етарли қилиб таъминлаб қўйиши лозим экан.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бугунги ўқиб, ўрганган ҳадисимизга барчаларимизни амал қилишимизни насиб айласин. Эркак бўлайлик, аёл бўлайлик, бу дарсимиизда эркакларга ҳам аёлларга ҳам хос гаплар бўлиб ўтди.

